

Араб тилидаги энг заиф ҳарф



15:01 / 31.08.2020 4172

Бир доктор айтади: «Бир куни шайхлардан бири менга: «Сиз араб тили бўйича докторлик унвонини олганмисиз», деб сўради.

Мен ҳа, деб жавоб бердим.

Яхши, ундай бўлса бир савол бераман. Араб тилидаги энг заиф ҳарф қайси, деди.

Тўғриси мен учун кутилмаган савол бўлди. Лекин жавоб бермаслик бефойда эди.

Мен: «Ҳамс ҳарфларидан бири бўлиши мумкин, мисол учун син (с) ёки мад (алиф, вов ва йо) ҳарфларидан бири бўлиши мумкин. Чунки бу ҳарфлар фақат ҳавонинг ўзи билан чиқади», дедим.

У устозлардек кулиб қўйди ва: «Нотўғри, доктор соҳиб», деди.

Мен эса ўқувчидек қизиқиш билан: «Бундай бўлмаса, у қайси ҳарф экан, шайх? Сиздан ўрганиб оламизда», дедим.

У: «Араб тилидаги энг заиф ҳарф бу «фа» ҳарфи деди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизни ота-онамизга оқ бўлишдан қайтаришдан шу ҳарфни ихтиёр қилиб олган.

Аллоҳ таоло айтади: **«Уларга «уфф» дема».** (Исро сураси, 23-оят)», деди.

Шундан сўнг манбааларга мурожаат қилдим ва ҳижо (алифбо) ҳарфлари орасида ҳақиқатан кучли ва заифлари борлиги ҳақида маълумотга эга бўлдим. Улар орасида энг кучлиси бу «То» ҳарфи экан. Чунки бу ҳарфда заифлик сифатларидан бирортаси йўқ экан (ҳамс, рахова, лийн ва ҳоказо каби)

Алифбо ҳарфлари орасида энг заифи ҳақиқатан «фа» ҳарфи экан. Чунки унда қувват сифатларидан бирортаси йўқ экан. (жаҳр, шадда, итбоқ ва ҳоказо каби)

Қуръоннинг мўъжизаларидан бири шуки, алифбо ҳарфлари ичида энг заифи ота-онамизга юрагимиз сиқилиб ёки жирканиб «уфф» дейишдан бизни қайтариш учун ишлатилган экан. Аллоҳ аzza ва жалла бизни ота-онамизга энг заиф ҳарфни ишлатишимиздан ҳам қайтарди, энди кучли ва қўпол ҳарфларни ишлатиш қандоқ бўларкин?!

Ота-онага оқ бўлиш ботқоғига ботиб қолмаслик учун фарзандларимизни огоҳлантирайлик.

Нега Қуръони карим инсон хулқ-атворининг энг олий намунаси ҳисобланади?

Чунки Қуръон:

- овозимизни тартибга солади - «овозингни пасайтир» (Луқмон сураси, 19-оят);

- юришимизни тартибга солади - «ер юзида кибр-ҳаво ила юрма» (Луқмон сураси, 18-оят);

- кўз қарашларимизни тартибга солади - «Ҳаёти дунё зийнاتини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма» (Каҳф сураси, 28-оят);

- эшитишимизни тартибга солади - «Жосуслик қилманглар» (Ҳужурот сураси, 12-оят);

- таомимизни тартибга солади - «Еб-ичинг ва исроф қилманг» (Аъроф сураси, 31-оят);

- гап-сўзларимизни тартибга солади - «одамларга яхши гаплар айтинг» (Бақара сураси, 83-оят);

- ўтиришларимизни тартибга солади - «Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар» (Ҳужурот сураси, 12-оят);

- нафсларимизни тартибга солади - «Бир қавм бошқасини масхара қилмасин» (Ҳужурот сураси, 11-оят);

- фикрларимизни тартибга солади - "баъзи гумонлар гуноҳдир" (Ҳужурот, 12);

- гувоҳликларимизни тартибга солади - «Ўзинг билмаган нарсага эргашма!» (Исро сураси, 36-оят);

- бизга авф ва кечиришни ўргатади - «Ким авф этиб ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир» (Шууро сураси, 40-оят);

Қуръон ҳаётимизни тартибга солишга, бахтли ҳаёт сари етаклашга кафилдир.

«Иймон келтирганлар ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлар. Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?» (Раъд сураси, 28-оят).

Quran.uz телеграм каналидан олинди.